

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АБАБАКИРОВ ДОНИЁРБЕК МАҲАМАДСИДИҚОВИЧ**

**ТУҒМА ВА ОРТТИРИЛГАН ҚУЛОҚ СУПРАСИ НУҚСОНЛАРИДА  
РЕКОНСТРУКТИВ ОТОПЛАСТИКАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Абабакиров Дониёрбек Махамадсидикович**

Туғма ва орттирилган кулоқ супраси нуқсонларида реконструктив  
отопластикани такомиллаштириш..... 3

**Абабакиров Дониёрбек Махамадсидикович**

Совершенствование реконструктивной отопластики при врожденных  
и приобретенных дефектах ушной раковины..... 21

**Ababakirov Doniyorbek Mahamadsidikovich**

Improvement of reconstructive otoplasty for congenital and acquired  
defects of the auricle..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АБАБАКИРОВ ДОНИЁРБЕК МАҲАМАДСИДИҚОВИЧ**

**ТУҒМА ВА ОРТТИРИЛГАН ҚУЛОҚ СУПРАСИ НУҚСОНЛАРИДА  
РЕКОНСТРУКТИВ ОТОПЛАСТИКАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.1.PhD/Tib1746 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каюмходжаев Абдурашит Абдусаламович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мадазимов Мадамин Муминович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Хакимов Мурод Шавкатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий Кенгашнинг “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида (136-сон билан рўйхатдан ўтган) танишиш мумкин. Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик халқа йўли, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли тарқатиш баённомаси реестри)

**Ф.Г. Назиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**А.Х. Бабаджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.В. Девятов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «сўнгги йилларда бутун дунёда туғма нуқсонли болалар, жумладан, юз-жағ соҳаси нуқсонлари билан туғилишнинг прогрессив ўсиши кузатилмоқда»<sup>1</sup>. Туғма ва орттирилган этиологияли кулоқ супраси (ҚС) нуқсонлари ва деформациялари беморларни даволаш ва реабилитация қилишнинг энг қийин муаммоларидан бири ҳисобланади. Оғишлар кулоқ шалпайиши каби минимал ўзгаришлардан, микротия билан биргаликда юзнинг жиддий ассиметриясигача кузатилади. Келиб чиқишига кўра, орттирилган ҚС нуқсонлари туғма нуқсонлардан кам эмас, беморларни травматик деформациялар ва ҚС нуқсонлари сабабли мурожаатлари юз-жағ соҳаси шикастланишлари умумий частотасининг 42%гачасини ташкил этади. Ташқи кулоқни йўқотилишига олиб келган сабаблардан қатъий назар, ушбу патология билан боғлиқ ижтимоий стигма ва психологик юк беморларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир қилади. Кўпинча, «бундай ҳолларда, беморнинг жамиятда тўлақонли ҳаётга қайтиши учун охириги имконият хирургик даволаш ҳисобланади»<sup>2</sup>. Кулоқ супрасининг туғма ва орттирилган нуқсонларида отопластиканинг кўплаб усуллари ва оригинал техникаси мавжуд бўлиб, улар каркас учун турли хил материаллардан фойдаланишга ва реконструкция босқичлари бўйича тактик жиҳатларга асосланган. Беморнинг даволаш натижасининг эстетик таркибий қисмига бўлган талабларини ошириши, мавжуд патологиянинг оператив мураккаблиги, алоҳида оригинал хирургик усулларнинг хилма-хиллигида пластика қилиш усулини танлашнинг ягона принципи мавжуд эмаслиги, шунингдек, ҚС нуқсонларини самарали даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш зарурати, ушбу тадқиқотнинг долзарблигини кўрсатади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда кулоқ супраси нуқсонларида аутоотрансплантлар, аллотрансплантлар ёки синтетик имплантлар яратиш учун, шу жумладан, муайян ҚС нуқсонларида CAD/CAM-technology (компьютер технологиясидан фойдаланган ҳолда лойиҳалаш) тизимлари ёрдамида янги технологияларни ишлаб чиқиш реконструктив микрохирургиянинг энг истиқболли йўналишлари бўлиб қолмоқда, шунинг учун, ҚС анатомик суббирликларининг жараёнга жалб этилганлик даражасига боғлиқ ҳолда тери лахтагини танлашни аниқлаш борасида уларнинг таснифлари энг кўп муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Кулоқ атрофи юмшоқ тўқималарида микроциркуляция бузилишларини бартараф этиш, ҚС тоғай каркасини битиши ва реконструкция амалиётини соддалаштириш учун намуна сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган аутологик ўзак хужайралари ва биоинженерлик сўрилувчи материаллардан фойдаланишнинг гистологик ва микроскопик хусусиятларини ўрганиш масалалари айниқса долзарб ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ebrahimi A, Kazemi A, Rasouli HR, Kazemi M, Kalantar Motamedi MH. Reconstructive Surgery of Auricular Defects: An Overview. *Trauma Mon.* 2015;20(4):e28202. doi:10.5812/traumamon.28202

<sup>2</sup> Ghassemi A, Modabber A, Talebzadeh M, et al. Surgical management of auricular defect depending on the size, location, and tissue involved. *J Oral Maxillofac Surg.* 2013;71:232-242.

Ҳозирги вақтда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Реконструктив пластик хирургияда, хусусан, ҚС туғма ва орттирилган нуқсонларини отопластика қилиш усулларини такомиллаштиришда ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, ушбу беморларга кўрсатилаётган ёрдам сифатини ошириш учун ҚС каркасини ташкил этувчи пластик материаллар ишлаб чиқиш самарадорлигини баҳолаш, реконструктив ва микрохирургик аралашув ҳисобига яхши функционал ва эстетик натижаларга эришиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш бўйича илмий асосланган натижалар талаб этилади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган.<sup>3</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ҚС нинг тоғайли каркасининг анатомик мураккаблиги (рельеф, бурмаларнинг хилма-хиллиги, нозик тери қопламалари ва ён юз тўқималари бирикишининг хусусиятлари) ҳамда ҚС юз-жағ соҳасининг атрофидаги юмшоқ тўқималар билан алоқадорлиги боис ҚСни тиклаш пластик хирурглар дуч келадиган энг қийин амалиётлардан бири ҳисобланади.<sup>4</sup> Маълумки, ҚС нуқсонларининг реконструктив-пластик хирургиясининг асосий мақсади мавжуд бўлмаган анатомик қисмларни айнан ўхшаш қилиб яратиш бўлиб, унинг натижаси бевосита қуйидаги муаммоларни тўғри ҳал қилишдан иборат: тегишли ўлчамларга мувофиқ ҚСга тўла мос келувчи каркас тайёрлаш учун аутоқовурга тоғай олиш усулини танлаш; ҚСни тиклаш босқичларини танлаш; реконструкция соҳасида қулоқ атрофи юмшоқ тўқималари некрози ривожланишининг олдини олиш билан микроциркулятор бузилишларни бартараф этиш; ҚС учун косметик ва функционал жиҳатдан муносиб каркас яратиш. ҚС нинг кичик нуқсонларида маҳаллий-пластик ташрихларни амалга ошириш мумкин бўлса, ҚС нинг сезиларли нуқсонлари

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

<sup>4</sup> Cubitt JJ, Chang LY, Liang D. Auricular reconstruction. J Paediatr Child Health. 2019 May;55(5):512-517.

ва куйишдан кейинги деформацияларида катта ҳажмдаги тўқималардан фойдалиниш зарур бўлади, ҚС ни тиклаш жараёнинг мураккаблиги кулоқ атрофи соҳасини қон билан таминланишининг бузилиш, чандиқли ўзгарган тўқималарнинг эластиклигини пасайиши, инфицирланиш хавфининг ортиши сўнгра темпоропариетал фасциянинг ва кулоқ орти тўқималарининг некрозга учраши каби ноқулай омилларнинг мавжудлиги билан боғлиқ.<sup>5</sup>

Турли хил тадқиқотларда микротия ва ҚС нуқсонларини қайта тиклашдан кейин техник жиҳатлар, хирургик асоратлар ва эстетик натижалар ҳақида маълумот берилган, 40 дан ортиқ турли хил тоғайли, суякли ва аллопластик каркаслар тавсифланган. К. Stewart ва бошқалар (2015) орттирилган кулоқ деформацияларида отопластика қилиш бўйича шахсий тажрибаларини таҳлил қилиб, шундай хулосага келдилар: “травматик шикастланишларда кулоқ супрасининг аутологик реконструкцияси, ушбу усул яратилгандан 50 йилдан кўпроқ вақт мобайнида қўлланилиши, эстетик натижаларга ва ҳаёт сифатини яхшиланишига олиб келмоқда”.<sup>6</sup> М.Н. Kolodzynski ва бошқ. (2017) маълумотларига кўра "орттирилган ҚС деформацияси реконструкциясида, кўп ҳолларида, қовурға тоғайи ва постаурикуляр тери лахтагидан олинган трансплантатдан фойдаланиш энг самарали натижа беради, ҚС чандиқларини бартараф этиш учун эса тўқималар ёки темпоропариетал фасцияларни кенгайтиргичлардан фойдаланиш мумкин”.<sup>7</sup> Аномалияларнинг мураккаб вариантларида ҚС ни реконструкцияси учун тавсия этилган отопластика усуллари кўп босқичлидир, ушбу ташрихларнинг узок муддатдаги натижалари эса, кўпинча беморларни ҳам хирургларнинг ўзларини ҳам қониқтирмайди. D.Li ва бошқ. (2016)<sup>8</sup> ва Н.У. Habiba ва бошқ. (2018)<sup>9</sup> тадқиқотларига кўра, отопластикадан кейинги асоратлар 11-13% ҳолларда кузатилиб, ҚСнинг жиддий зарарланишига олиб келиши мумкин ва ҚСнинг орттирилган деформациясининг асосий сабаби ҳисобланади. Кулоқ супрасининг турлича нуқсонларининг отопластикасида турли хил муқобил лахтаклардан, жумладан юқори оёқчадаги постаурикуляр хондро-дермал лахтак ва контралатерал конхал тоғайли аутологик трансплантатлардан фойдаланиш натижаларини таҳлил қилиш жорий тадқиқотларнинг истиқболли йўналиши ҳисобланади.<sup>10,11</sup>

---

<sup>5</sup> Jovic TH, Stewart K, Kon M, Whitaker IS. "Auricular reconstruction: A sociocultural, surgical and scientific perspective". J Plast Reconstr Aesthet Surg. 2020;73(8):1424-1433. doi: 10.1016/j.bjps.2020.03.025.

<sup>6</sup> Stewart K, Majdak-Paredes E. Injury patterns and reconstruction in acquired ear deformities. Facial Plast Surg. 2015;31:645–656.

<sup>7</sup> Kolodzynski MN, Kon M, Egger S, Breugem CC. Mechanisms of ear trauma and reconstructive techniques in 105 consecutive patients. Eur Arch Otorhinolaryngol. 2017;274(2):723-728.

<sup>8</sup> Li D, Xu F, Zhang R, Zhang Q, Xu Z, Li Y, Wang C, Li T. Surgical Reconstruction of Traumatic Partial Ear Defects Based on a Novel Classification of Defect Sizes and Surrounding Skin Conditions. Plast Reconstr Surg. 2016;138(2):307-316.

<sup>9</sup> Habiba NU, Khan AH, Khurram MF, Khan MK. Treatment options for partial auricle reconstruction: a prospective study of outcomes and patient satisfaction. J Wound Care. 2018;27(9):564-572.

<sup>10</sup> Selcuk CT, Durgun M, Bozkurt M, Kinis V, Ozbay M, Bakir S. The reconstruction of full-thickness ear defects including the helix using the superior pedicle postauricular chondrocutaneous flap. Ann Plast Surg. 2014;72(2):159–63. doi: 10.1097/SAP.0b013e31825c07d6.

<sup>11</sup> Helal HA, Mahmoud NA, Abd-Al-Aziz AA. Reconstruction of post-traumatic full-thickness defects of the upper one-third of the auricle. Plast Surg (Oakv). 2014;22(1):22–5.

ҚСнинг туғма ва орттирилган нуқсонларида реконструктив отопластика усулларини қўллашнинг тактик-техник жиҳатлари ва клиник тажрибаларига оид ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, қониқарсиз натижалар ва асоратлар турли кўринишдаги омилларга боғлиқ ҳамда ҚС пластикасининг у ёки бу усулининг афзаллиги ҳақидаги фикрлар ноаниқ, тоғайли каркас ва юмшоқ тўқимали лахтақни моделлаштириш бўйича ишланмалар муҳим ўрин эгаллаши лозим бўлган шундай нуқсонларни хирургик даволаш давларини танлашга оид саволлар очик қолмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатларнинг барчаси ушбу йўналишда тадқиқотларни давом эттириш заруриятини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ ПЗ-201708302-сонли “Қулоқ супрасининг туғма ва орттирилган нуқсонларини реконструктив ва пластик хирургияси” лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 й.).

**Тадқиқотнинг мақсади** реконструктив оператив даволаш усулларини такомиллаштириш орқали қулоқ супрасининг туғма ва орттирилган нуқсонларини отопластика қилиш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аутоқовурғали тоғай каркастан фойдаланган ҳолда III даражали микротияда икки босқичли реконструктив отопластика усулини такомиллаштириш;

III даражали микротияда қулоқ супраси реконструкциясининг таклиф этилган усулини қўллаш натижаларини ўрганиш;

тоғайли асос етишмовчилигида ҚСнинг нуқсонлари ва деформацияларини отопластика қилиш усулини ишлаб чиқиш;

ҚСнинг нуқсонлари ва деформацияларини реконструктив отопластика қилиш самарадорлигини анъанавий усуллар билан қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

ҚСнинг туғма ва орттирилган нуқсонларида реконструктив отопластиканинг таклиф этилган усуллари эстетик натижаларини ўрганиш;

реконструктив отопластиканинг такомиллаштирилган усуллари амалга оширилгандан сўнг беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1995-2020 йиллар мобайнида академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Пластик ва реконструктив микрохирургия бўлимида ҚСнинг туғма ва орттирилган нуқсонларида турли хил реконструктив отопластика амалиётлари бажарилган 106 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** реконструктив отопластиканинг такомиллаштирилган усулларидан фойдаланган ҳолда қулоқ супрасининг туғма ва орттирилган нуқсонлари бўлган беморларни хирургик даволаш натижаларини таҳлил қилишдан иборат.



**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, инструментал ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бир вақтнинг ўзида аутоқовурғали тоғайдан каркас шакллантириш, уни кулоқ соҳасига имплантация қилиш, кулоқ юмшоғини транспозиция қилиш, трагус ҳосил қилиш ва каркас ортига тиргакни ўрнатиш, ўз навбатида 3-4 ойдан сўнг тилинган тери трансплантацияси билан кулоқ супрасини кўтариш орқали III даражали микротияда реконструктив отоластика усули такомиллаштирилган;

кулоқ орти соҳасидаги юмшоқ тўқималарнинг етишмовчилигида интраоперацион баллонли чўзиш тўқималарни 10-12 мм маҳаллий ўсишига олиб келиши, бу эса имплантация қилинган тоғайли каркасни тери лахтаги билан эркин ҳолда қоплаш имконини бериши исботланган;

тоғайли каркасни имплантация қилиш босқичида 0,2-0,3 мм қалинликдаги дезэпидермизацияланган тилинган эркин лахтакни кўчириб ўтказиш йўли билан чакка соҳасида соч ўсишининг паст даражасига эришиш орқали III даражали микротияда отоластика қилиш усули такомиллаштирилган;

букилган кулоқ супрасида реконструктив отоластиканинг техник хусусиятлари тоғайли асос етишмовчилигини тўлиқ бартараф этиш учун ўзгартирилган ва нормал кулоқ ўлчамлари орасидаги фарқни ўлчаш билан анатомик нуқсонни тўғри аниқлашга асосланган бўлиши кераклиги аниқланган;

кулоқ тоғайининг юқори қисмини чакка фасциясига маҳкамлаш ва унинг нуқсонини аутоқовурға тоғайли каркас билан ёпиш, сўнгра иккинчи босқичда тилинган тери трансплантантини кўчириб ўтказиш ва ҚСни кўтариш орқали кулоқ супрасининг III даражали нуқсонлари ва деформацияларини тиклаш усули такомиллаштирилган;

реконструктив отоластиканинг таклиф этилган усуллари амалга оширилгандан сўнг, кулоқ супрасининг туғма ва орттирилган нуқсонлари бўлган беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланишининг асосий кўрсаткичлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

III даражали микротияда тавсия этилган отоластика усули бир вақтнинг ўзида каркасни, кулоқ юмшоғи ва трагусни шакллантириш ҳамда ҚСни якуний реконструкция қилиш имконияти ҳисобига хирургик реабилитация вақтини қисқартириши ва икки босқичда кутилган эстетик ва функционал натижа олиниши исботланган;

кулоқ орти соҳасида юмшоқ тўқималар етишмовчилиги бўлган беморларда реконструктив отоластикани ўтказишда тўқималарнинг баллонли чўзиш тери лахтаги ўлчамини катталаштиришга ва кўчириб ўтказилган тоғайли каркас соҳасидаги нуқсонни эркин қоплаш имконини бериши аниқланган;

реконструктив отоластика амалиётини тоғай имлантациясидан сўнг ҳосил бўлган яра юзасини ёпиш учун мўлжалланган лахтакнинг тукли

қисмини деэпидермизация босқичи билан тўлдириш, шакллантирилган қулоқ супраси периферияси бўйлаб тук ўсишини самарали равишда пасайтириши аниқланган;

ҚСнинг нуқсонлари ёки деформацияси реконструкциясининг ишлаб чиқилган усули, аутоқовурға тоғайли каркадан фойдаланиш ва намуна бўйича соғлом томонга қараб сайқаллаш ҳисобига қулоқ супрасининг етишмаётган ёки деформацияланган қисмларининг эстетик жиҳатдан мақбул контурларини олишга имкон бериши исботланган;

ҳаёт сифатини ўрганиш маълумотлари асосида, ҚСнинг туғма ва орттирилган нуқсонлари бўлган беморларда реконструктив отопластиканинг такомиллаштирилган усулларини қўллашдан кейин психоэмоционал ҳолатни яхшиланиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, замонавий ташхисот ва даволаш усулларидан фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган маълумотлар назарий аҳамиятига эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида аутоқовурға тоғайдан каркасни шакллантириш ва қулоқ орқа соҳасига имплантация қилиш, сўнгра ташқи қулоқнинг етишмаётган тузилмаларини босқичма-босқич тиклаш орқали ҚСнинг туғма ва орттирилган нуқсонларида реконструктив отопластика усулларини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти клиник тадқиқотлар таҳлили тавсия этилган реконструктив отопластика усулларининг самарадорлигини исботлаганлиги, шунингдек, аутоқовурға тоғайдан олинган каркасни шакллантиришнинг техник жиҳатларини такомиллаштириши, микротиянинг III даражасида тўқималарни балонли чўзиш ва терининг тукли лахтагини деэпидермизация қилиш, кўрилаётган ҚСнинг нуқсонларида аутоқовурға тоғайдан олинган ва намуна бўйича соғлом томонга қараб ишлаб чиқилган каркадан фойдаланиш ҳисобига асоратларнинг умумий частотасини ҳамда такрорий ва қўшимча реконструктив аралашувлар ўтказиш заруратини камайтириши ва тўлиқ реабилитация даврини қисқартиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Туғма ва орттирилган қулоқ супраси нуқсонлари бўлган беморларни даволашда реконструктив аралашувларнинг техник жиҳатларини оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалар асосида:

қулоқ супрасининг туғма ва орттирилган нуқсонларида реконструктив отопластика бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган "Қулоқ супрасининг туғма ва орттирилган нуқсонларида реконструктив отопластика усулларини такомиллаштириш" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 14 декабрдаги 08-09/19774-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиянома ташрихнинг

тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштиришга, микротияда ва кулоқ супрасининг турли хил орттирилган нуқсонлари бўйича реконструктив пластиканинг асосий талабларга мувофиқ тарзда бажаришни таъминлаш имконини берган;

Туғма ва орттирилган кулоқ супраси нуқсонлари билан оғриган беморларни хирургик йўл билан даволаш сифатини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, жумладан, Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Андижон шаҳридаги "МКМ MED" хусусий тиббиёт маркази амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 14 декабрдаги 08-09/19774-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши туғма ва орттирилган кулоқ супраси реконструктив отопластиканинг техник жиҳатлари модификацияси ҳисобига асоратлар частотасининг 39,9%дан 8,8%гача пасайишига, яхши ва аъло натижалар улушини 62,5% дан 83,3% гача ортишига имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та ҳалқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Туғма ва орттирилган кулоқ супраси нуқсонларида микрохирургик реконструкцияси”** деб номланган биринчи бобида туғма ва орттирилган кулоқ нуқсонлари бўлган беморларни даволашда хирургик тактикаси муаммоси бўйича илмий маълумотларни чуқур таҳлил қилиш, танқидий баҳолаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш амалга оширилган, уларни кейинги ҳал қилишни талаб қиладиган долзарб масалалари ўрганилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида маълум бўлдики, отопластиканинг машхур усуллари ҚСни тиклашдан кейин барқарор натижани кафолатлай олмайди ва ҚС нуқсони учун пластик хирургиянинг оптимал усулини танлаш муаммоси ўз ечимини топгани йўқ. Ўз навбатида,

беморларда муолажадан кейинги эстетик натижага бўлган талабларнинг ошиши, мавжуд патологиянинг операцион мураккаблиги, кулоқ супраси нуқсонлари бўлган беморларда хирургик муолажаси усулини танлашнинг ягона принципи йўқлиги, шунингдек, ҚС нуқсонларини самарали даволашнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш зарурати ҳам ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб берган.

Диссертациянинг **“Клиник материаллар ва қўлланилган тадқиқот усуллари тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида клиник материал, шунингдек, қўлланилган тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқотнинг объекти сифатида 1995 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда " Академик В. Воҳидов номидаги РИХИАТМ " ДМ пластик ва реконструктив микрохирургия бўлимида кулоқ супрасининг туғма ва орттирилган нуқсонлари ташхиси билан реконструктив отоластика ташрихи ўтказилган 106 нафар беморлар олинган. Реконструктив ташрихлар учун таклиф қилинган вариантларни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқот икки йўналишга бўлинган: бир вақтнинг ўзида кулоқ юмшоғи транспозицияси ва трагус шакллантириш ўрганилган; VI ва VII кокурғаларнинг тоғай бирлашмасидан аутоковурға тоғай девори бутун трансплантанти билан ҚС нуқсонларида реконструктив отопластикани такомиллаштириш ўрганилган.

Тадқиқот йўналиши мувофиқ барча беморлар икки гуруҳга ажратилган. Асосий гуруҳга 2011-2020 йилларда такомиллаштирилган отоластика техникаси ёрдамида пластик хирургия амалиётини ўтказган 67 нафар бемор кирди. Таққослаш гуруҳи 39 бемордан иборат бўлиб, уларда 1995 йилдан 2010 йилгача ушбу нуқсонларда пластик ташрихлар илгари таклиф этилган усуллар ёрдамида амалга оширилган. Отопластикани амалга оширишнинг техник жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, беморлар микротияли гуруҳга ва ҚС нинг бошқа туғма ва орттирилган нуқсонлари, хусусан, ҚС нинг III даражали деформацияси (Букилган ҚС) ва травматик ҚС нуқсонлари бўлган беморларга бўлинган. Ушбу бобда ҚС нинг турли нуқсонлари учун отоластика натижалари кўрсатилган.

Асосий гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши  $22,4 \pm 1,3$  ёш, таққослаш гуруҳида -  $19,4 \pm 1,9$  ёшни ташкил этган. Таққослаш гуруҳига В.Вrent усули бўйича ташрих қилинган, микротия билан касалланган 12 бемор, асосий гуруҳга - такомиллаштирилган усул бўйича ташрих қилинган 29 бемор киритилган. Шунини таъкидлаш керакки, асосий гуруҳдаги отоластика, тавсия этилган усулдан ташқари, 7 та ҳолатда соч ўсиши чегарасининг паст жойлашиши ва яна 7 ҳолатда кулоқ орқаси юмшоқ тўқималарнинг етишмаслиги билан боғлиқ баъзи қўшимча техник жиҳатларни ҳам ўз ичига олган. 65 беморда турли хил ҚС нуқсонлари учун отоластика натижалари ўрганилган. Таққослаш гуруҳида 15 беморда ва асосий гуруҳда 23 беморда орттирилган травматик нуқсонлар кўриб чиқилган, шунингдек, III даражали букилган ҚС (мос равишда 12 ва 15 бемор) каби туғма нуқсонли бўлган беморлар ҳам киритилган. Обьектив қиёсий таҳлил қилиш учун ҚС умумий нуқсонли ва четки нуқсонлари бўйича асосий гуруҳдаги пластик хирургия натижалари алоҳида кичик бобларда тақдим этилади ва таққослаш гуруҳи

билан солиштирганда ҳисобга олинмайди, чунки бу ташрихлар аввал бажарилмаган. Шунга кўра, ҚС нуқсонлари бўйича тавсия этилган отопластика усулининг самарадорлигини баҳолаш патологиянинг иккита тоифаси бўйича амалга оширилади - ҚС нинг марказий қисмига чўзилган нуқсонлар ва III даражали ҚС деформацияси (букилган ҚС). 27 нафар бемордан иборат таққослаш гуруҳида 12 та ҳолатда букилган ҚС билан Р.Кислов усулида отопластика бажарилган, 15 нафар ҚС травматик нуқсони бўлган беморда эса ҚС каркасини шакллантириш учун қовурға тоғай деворидан пластика ўтказилган.


Реконструктив отопластика натижаларини баҳолаш учун S.Jain ва бошқалар (2002) мезонларидан фойдаланилган. Беморларнинг ҳаёт сифатини SF-36 “Соғлиқни сақлаш ҳолати сўровномаси” (Health Status Survey) бўйича ўрганилган. SF-36 носпецифик сўровнома ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Микротияда қулоқ супраси дефекти пластикасини такомиллаштириш”** деб номланган учинчи бобида микротия учун реконструктив отопластиканинг такомиллаштирилган усуллариининг техник жиҳатлари, қулоқ орқасидаги юмшоқ тўқималарнинг етишмовчилиги ва соч чизиғининг паст жойлашиши билан реконструктив отопластиканинг хусусиятлари, шунингдек микротия учун реконструктив отопластиканинг қиёсий натижалари кўрсатилган.


Микротия учун реконструктив отопластиканинг тавсия этилган усули иккита асосий босқични ўз ичига олади: 1-босқич - аутоқовурға тоғайдан ҚС каркасини шакллантириш, уни реконструкция ҳудудида қулоқ соҳасига имплантация қилиш, Z-тери пластикасидан фойдаланган ҳолда ҚС юмшоғининг транспозициясини амалга ошириш, қовурға тоғайи бўлими ҳисобига трагус ҳосил қилиш, ҚС рудиментар тоғайдан тайёрланган ажраткичларни ўрнатиш; 2-босқич (3-4 ойдан сўнг) – илгари имлантация қилинган каркасни тери билан кўтариш ва яқуний пластикасини бажариш (1-4-расм).

Аутоқовурға тоғайдан тайёрланган каркаسدан фойдаланиш, бўшлиқ шаклидаги рудиментар тоғай, қулоқ юмшоғи транспозицияси, пластиканинг биринчи босқичида қовурға тоғайи ҳисобидан трагус ҳосил қилиш ва иккинчи босқичда яқуний пластика билан ҚСни кўтариш хирургик муолажаси вақтини қисқартишга ва тўлиқ реконструктив отопластиканинг икки босқичида кутилган эстетик ва функционал натижани олиш имконини беради.

Юмшоқ тўқималарнинг етишмовчилиги билан боғлиқ асоратларни ривожланиш хавфини камайтириш учун асосий гуруҳдаги 7 та ҳолатда, отопластиканинг биринчи босқичида қулоқ минтақасидаги юмшоқ тўқималарни балонли чўзиш (БЧ) усули қўлланилган. Бу имплантация қилинган тоғай каркасини тери қопқоғи билан тўқима таранглигисиз эркин қоплаш имконини беради. Катта Фолей катетери кенгайтирувчи баллон сифатида ишлатилган.



**1-расм. Аутоқовургадан тоғай олиш схемаси ва ҚС каркасини тайёрлаш**



**2-расм. Ишлаб чиқилган ҚС каркаси ва микроотия отопластикасининг I-босқичи**



**3-расм. Микроотияда маҳаллий ҳолат**



**4-расм. Пластиканинг 2-босқичидан кейинги маҳаллий ҳолат**

Дастлаб, терининг қўшимча қисми учун керакли майдон аниқланди, кейин унинг остига балон келтирилди ва циклик чўзиш амалга оширилди. Инъекцияланган физиологик эритманинг руҳсат этилган ҳажми чўзилган тўқималарнинг маҳаллий ҳолати билан белгиланди, тери тусининг ўзгариши ва кескин таранглиги билан суюқликни юбориш тўхтатилди. Руҳсат этилган

ҳажмдаги суюклик киритилгандан кейин балон шишган ҳолатда қолдирилади, сўнгра физиологик эритма чиқариб юборилади.

Бир неча дақиқадан сўнг жараён такрорланди; жами учта БЧ цикли амалга оширилди. БЧ амалга оширилгандан сўнг, кулоқ каркаси имплантацияси бажарилди. Амалга оширилган манипуляция 10-12 мм гача тўқималарни ўсишига имкон беради.

Натижалар тахлили шуни кўрсатдики, таққослаш гуруҳида реконструктив отоластикадан сўнг III даражали микротияли 12 (33,3%) беморлардан 4 тасида шаклланган ҚС перифериясида тук ўсиши ривожланиб кетган, бу айти турдаги беморларда соч ўсишнинг пастки чегараси билан боғлиқлиги аниқланди. Соч чизиғи кенгроқ тарқалиб, реконструкция қилинган ҚСнинг чегараларига етиб борадиган ҳолларда, танлашнинг оптимал усули юқори темпорал фасцияни кўчириб ўтказиш ва тўлиқ қалинликдаги терини фасцияга бириктиришдан иборат.

Бизнинг кузатишларимизда бу усул такомиллашган ва соддалашган. Таклиф этилаётганган усул ҳосил бўлган яра юзасидаги эркин ажратилган тери парчасини кўчиришда тери парчасининг тукли қисмини эпидермисациясидан иборат булиб, бунда кўчириб ўтказилаётган тери парчасининг қалинлиги 0,2-0,3 ммни ташкил этган.

Тавсия этилган усул асосий гуруҳдаги 7 беморда амалга оширилган, шу билан бирга, ҳосил бўлган яра юзасига эркин бўлинган тери парчасини кўчириб ўтказиш билан парчанинг тукли қисмини эпидермисация босқичи реконструктив отоластикаси кўшилиши ташрих вақтини аҳамиятсиз даражада оширган, лекин шаклланган ҚС перифериясида соч ўсишидек эстетик нуқсонли муаммонинг тўлиқ ҳал қилиниши иисботлаган.

Реконструктив отоластика натижаларини таққослаш асосий гуруҳда (таклиф этилган усул бўйича ташрих қилинган 29 бемор) ва таққослаш гуруҳидаги В.Вrent усули билан ташрих қилинган 12 беморда амалга оширилган.

Умуман олганда, таққослаш гуруҳидаги 6 (50%) беморда ва асосий гуруҳда 3 (10,3%) беморда асоратлар ривожланган. Шу билан бирга, кейинчалик реконструкция қилиш заруриятига олиб келган хирургик асоратларининг частотаси таққослаш гуруҳида 16,7% ни ташкил етди (1 ҳолатда, трансплантант ортидаги четки тери некрози, каркасининг бир қисми ва кейин тоғай шикастланиши ва 1 ҳолатда бу асорат шакллантирилган ҚС деформациясига олиб келган). Асосий гуруҳда бундай асоратлар аниқланмаган. Эстетик нуқсонлар улуши таққослаш гуруҳида 33,3% (4 бемор), асосий гуруҳда 10,3% (3 бемор)да аниқланган.

Юзага келган деформацияга кўра, шунингдек таққослаш гуруҳидаги 1 ҳолатда тоғай имлантацияси босқичидан кейин пайдо бўлган четки тери некрози юзага келган, сўнгра каркас шикастланган беморларда 6 ва 9 ойдан кейин ҚСнинг такрорий реконструкцияси ўтказилган.

Диссертациянинг **тўртинчи бобид** "ҚС нуқсонлари учун реконструктив отоластика усулини такомиллаштириш" букилган ҚСда реконструктив отоластиканинг таклиф этилган усули, ҚСнинг марказий бўлимлари билан

боғлиқ нуқсонларда реконструктив отопластиканинг хусусиятлари ва ҚС нуқсонлари ва деформацияларида реконструктив отопластиканинг қиёсий натижалари изоҳланган.

ҚСнинг четки посттравматик нуқсонларида хирургик хусусиятлари кулоқ орқасидаги тери-фациал лахтаки (ТФЛ) ёрдамида икки босқичли ташрихни бажариш билан тавсифланган. Ташрих локал инфльтрацион анестезия остида амалга оширилган. Биринчи босқичда озиклантирувчи оёқчаларда ТФЛ ҳосил қилинган. Цикл тўқимаси кесилгандан сўнг, парчанинг дистал қисми нуқсонга тикилган. Уч ҳафта ўтгач, иккинчи босқич амалга оширилган: парчанинг оёғини кесиб ташлаш, ҚС нуқсонининг якуний пластикаси ва донор худудини тикиш ташрихи ўтказилган.

ҚС нинг туғма деформацияларини тиклашдаги ҚСнинг энг қийин турларидан бир букилган ҚС (III даражали деформация) ҳисобланади. Ушбу ҚС нуқсони билан отопластиканинг функционал ва эстетик натижаларини яхшилаш учун реконструктив отопластиканинг такомиллаштирилган усулидан фойдаланилган.

Бу усул аутоқовурға тоғайдан тайёрланган каркасининг кулоқ орқасига имплантация қилинишида ҚС нинг етишмаётган қисмини тиклашни ўз ичига олган. Хусусан, биринчи босқичда аутоқовурға тоғайдан ҚСнинг етишмаётган қисми шакллантирилган сўнгра нуқсонга тикилгандан сўнг, кулоқ орқаси худудига имплантация қилинган. Уч ой ўтгач, иккинчи босқич амалга оширилган, бунда тери билан бирга илгари имплантация қилинган рамка кўтарилган ва якуний пластик хирургик амалиёти ўтказилган.

Агар ҚС нуқсони нафақат четки балки марказий қисмларда ҳам бўлса, бундай ҳолларда ҳам аутоқовурға тоғайдан қилинган каркасдан фойдаланган ҳолда таклиф этилган услубда реконструктив отопластика амалга оширилган. Бундай ҳолларда ташрих икки босқичда ўтказилган. Биринчи босқичда аутоқовурға тоғайдан соғлом ҚСдан олинган намунага мувофиқ ҚСнинг мавжуд бўлмаган қисмига тўсиқ тайёрланган. Тайёрланган каркас кулоқ орқасига имплантация қилинган (5-7-расм).



**5-расм. III-даражали букилган ҚС. ҚСни ажратиш, юқори қисмини юқорига ва олдинга мўлжалланган нуқтагача силжитиш**





**6-расм. Намунага асосланган аутоқовурға тоғайдан ҚС каркасининг тайёрланган қисми**



**7-расм. Қулоқ орқасига имплантация қилинган каркас ва вакуумли дренаж**

Иккинчи босқичда, 3 ойдан сўнг, илгари имплантация қилинган каркас охириги пластик билан кўтарилган. Тоғай каркаси ёрдамида пластик хирургиянинг такомиллаштирилган усули билан икки босқичда 13 ҳолат амалга оширилган.

ҚС нинг нуқсонлари ва деформациялари бўйича реконструктив отопластика натижаларини таққослаш асосий гуруҳда таклиф этилган услубда 28 беморда ва таққослаш гуруҳида 27 беморда ташрихлар бажарилган, букилган қулоқ супралаи 12 нафар бемор Р.Кислов усулида ташрих қилинган ва 15 нафар беморда ҚС қовурға тоғайи пластидан каркас ҳосил қилиш усули амалга оширилган.

Ҳаммаси бўлиб, таққослаш гуруҳидаги 8 (29,6%) ва асосий гуруҳдаги 2 (7,1%) беморда ( $\chi^2 = 4,672$ ;  $df = 1$ ;  $p = 0,031$ ) асоратлар ривожланган. Бунда, кейинчалик қайта тиклаш заруриятига олиб келган хирургик асоратлари таққослаш гуруҳида 11,1% ни ташкил этди (2 ҳолатда каркасининг бир қисми билан трансплантант устидаги четки тери некрози ва 1 ҳолатда тоғай парчаланиши). Асосий гуруҳда бундай асоратлар йўқ эди. Шунингдек, натижаларга кўра, такрорий реконструктив аралашувлар зарурати 22,2% дан 3,6% гача камайган ( $\chi^2=4,305$ ;  $df=1$ ;  $p=0,039$ ), бу умуман олганда тўлиқ реабилитация даврининг  $4,4 \pm 0,1$  ойдан  $3,7 \pm 0,1$ га қисқаришига олиб келган ( $p < 0,05$ ).


Диссертациянинг "Қулоқ супрасининг турли нуқсонлари бўйича реконструктив отоластика натижаларининг қиёсий таҳлили" деб номланган бешинчи бобида қулоқ супрасининг турли туғма ва орттирилган нуқсонлари бўйича отоластиканинг умумлаштирилган натижалари келтирилган. Асосий гуруҳда 59 нафар, таққослаш гуруҳида эса 39 нафар беморда таҳлил ўтказилди. Жами таққослаш гуруҳидаги 14 (35,9%) ва асосий гуруҳдаги 5 (8,8%) беморда асоратлар ривожланган. Бунда, кейинчалик такрорий реконструкция қилиш заруриятига олиб келган хирургик асоратларининг частотаси таққослаш гуруҳида 12,8% ни ташкил этиб, ўз навбатида, қўшимча реконструкция босқичлари таққослаш гуруҳида 11 (28,2%) нафар ва асосий гуруҳда 3 (5,3%) нафар беморда ўтказилган (1-жадвал).

1-жадвал

**Қулоқ супрасининг турли туғма ва орттирилган нуқсонларида ташрихдан кейинги асоратларнинг кузатилиши**

Асоратлар	Таққослаш гуруҳи (n=39)		Асосий гуруҳ (n=57)	
	абс.	%	абс.	%
Қулоқ супра бурмалари ва эгатчалари контури бузилиши	5	12,8%	2	3,5%
Шаклланган ҚСнинг нормал чиқишини бузилиши	5	12,8%	2	3,5%
Терининг ғайритабиий бурмаси	5	12,8%	2	3,5%
ҚС атрофи бўйлаб соч ўсиши	4	10,3%	0	0,0%
Жиддий деформациянинг такрорланиши	2	5,1%	0	0,0%
Асоратланган беморларнинг умумий сони	14	35,9%	5	8,8%
$\chi^2$ мезони	10,733; df=1; p=0,002			


Бундан ташқари, таққослаш гуруҳларида ташрихдан кейин 6 ойдан кам бўлмаган муддатда отоластика сифатини таҳлили ўтказилди. Микротиядаги ҚС реконструкциясининг эстетик самарадорлигини ўрганиш таққослаш гуруҳида 8 ва асосий гуруҳда 24 беморда, нуқсонли ва деформацияли ҚСда мос равишда 14 ва 22 беморда ўтказилди (8-расм).



**8-расм. Реконструктив отоластиканинг умумлашган натижалари**

Аъло ва яхши натижалар улуши 62,5% дан 83,3% гача кўтарилган ( $\chi^2=4,498$ ;  $df=1$ ;  $p=0,034$ ). Бунда, барча босқичларни ўз ичига олган ҳолда умумий реабилитация даври (*қиёслаш гуруҳида ўртача  $2,9 \pm 0,18$  босқич ва асосий гуруҳда  $2,1 \pm 0,03$ ;  $t=4,65$ ;  $p<0,05$* )  $6,0 \pm 0,4$  ойдан  $3,8 \pm 0,1$  ойгача қисқарган. ( $t=5,13$ ;  $p<0,05$ ).

Асосий гуруҳдаги 2015 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда ташрих қилинган беморларда реконструктив отоластикадан кейинги ҳаёт сифати ўрганилган. Ўтказилган реконструктив отоластикадан кейин ҳаёт сифати “SF-36 саломатлик ҳолати сўрови” сўровномаси асосида аниқланган (9-расм).



**9-расм. Назорат гуруҳига алоқадорлигига кўра ҚС нуқсонлари ёки деформациясида ақлий ва жисмоний тетиклик бўйича ўртача балл (100% деб қабул қилинганда)**

Шундай қилиб, реконструктив отопластиканинг тавсия этилган усуллари амалга оширигандан сўнг, туғма ва орттирилган ҚС нуқсонлари бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашнинг асосий параметрлари аниқланган. Жисмоний тетиклик соҳасида ўсиш ўртача (соғлом одамларга нисбатан микротия билан,  $88,5 \pm 0,8\%$  дан  $90,6 \pm 1,7\%$  гача; ҚС нинг бошқа нуқсонларида  $89,8 \pm 2,2\%$  дан  $93,5 \pm 2,9\%$  гача), рухий тетиклик соҳасида кўрсаткичларнинг сезиларли ўсиши ( $p < 0,05$ ) (мос равишда  $72,7 \pm 7,8\%$  дан  $87,8 \pm 2,8\%$  гача ва  $73,0 \pm 7,0\%$  дан  $88,7 \pm 1,7\%$  гача) қайд этилган. Шундай қилиб, ҳаёт сифатини ўрганиш натижаларига кўра, туғма ва орттирилган ҚС нуқсонлари бўлган беморларда реконструктив отопластиканинг такомиллаштирилган усуллари қўллашдан кейин психоэмоционал ҳолат яхшиланиши исботланган.

## ХУЛОСА

1. III даражали микротияда таклиф этилган, бўшлиқ шаклидаги рудиментар тоғай, биринчи босқичда аутоқовурга тоғайдан қилинган каркас имлантацияси ва тўсиғидан фойдаланган ҳолда қулоқ юмшоғи транспозицияси ва қовурга тоғайи қисмидан трагуснинг шакллантирилиши ва иккинчи босқичда якуний реконструкция билан ҚСни кўтариш каби техник

жиҳатларни ўз ичига олган икки босқичли отоластика усули, хирургик муолажа даврини қисқартириш ҳамда кутилган эстетик ва функционал натижани олиш имконини берди.

2. Микротияда икки босқичли отоластика усулининг жорий этилиши такрорий реконструкция зарурати келтириб чиқарувчи хирургик асоратларни ривожланиш эҳтимолини барқарорлаштиришга имкон берди (таққослаш гуруҳида 16,7%;  $p = 0,025$ ), шунингдек, асоратли беморлар улушини 50%дан 10,3% га ( $p=0,006$ ) қисқартиради, ташрихнинг қўшимча эстетик босқичларини ўтказиш эҳтимолини 41,7% дан 6,9% ( $p=0,008$ ) гача камайтиради ва шу орқали ҚСда тўлиқ реконструкция даврини ҳам  $9,5 \pm 0,4$  дан  $3,9 \pm 0,2$  ойгача ( $p<0,05$ ) қисқартирди.

3. Кулоқ тоғайи нуқсонининг ўлчами бўйича тайёрланган ва намуна ўлароқ соғлом томонга ўхшатиб ишланган аутоқовурга тоғайидан қилинган каркадан фойдаланиш ҳисобига ҚС нуқсонлари ва деформацияларини тиклашнинг ишлаб чиқилган услуби кулоқ супрасининг етишмаётган ёки деформацияланган қисмларининг эстетик жиҳатдан кутилган натижаларини олиш имконини берса, тоғай термаси имлантацияси нормал "бўртиқ" бурчакни таъминлайди;

4. III даражали ҚС нуқсонлари ва деформациясида такомиллашган отоластика услуби асоратларнинг умумий частотасини 29,6% дан 7,1% га ( $p=0,031$ ) қисқаришига, қайта реконструктив муолажаларни ўтказиш заруратини 22,2% дан 3,6% га ( $p=0,039$ ) камайтиришга, умуман тўлиқ реабилитация даврини  $4,4 \pm 0,1$  дан  $3,7 \pm 0,1$  ойга қисқаришига олиб келди ( $p < 0,05$ ).

5. Реконструктив отопластиканинг техник жиҳатларини такомиллаштириш беморлар ХС ўсишига имкон берди, бунда агар жисмоний тетиклик бўйича ўсиш ўртача бўлган бўлса (соғлом одамларга нисбатан микротияда  $88,5 \pm 0,8\%$  дан  $90,6 \pm 1,7\%$  гача; ҚСнинг бошқа нуқсонларида  $89,8 \pm 2,2\%$  дан  $93,5 \pm 2,9\%$  гача), руҳий тетиклик бўйича кўрсаткичларнинг сезиларли ўсиши ( $p<0,05$ ) (мос равишда  $72,7 \pm 7,8\%$  дан  $87,8 \pm 2,8\%$  гача ва  $73,0 \pm 7,0\%$  дан  $88,7 \pm 1,7\%$  гача) қайд этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01  
ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ  
ИМЕНИ АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ  
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

**АБАБАКИРОВ ДОНИЕРБЕК МАХАМАДСИДИКОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РЕКОНСТРУКТИВНОЙ ОТОПЛАСТИКИ  
ПРИ ВРОЖДЕННЫХ И ПРИОБРЕТЕННЫХ ДЕФЕКТАХ УШНОЙ  
РАКОВИНЫ**

**14.00.27 – Хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ-2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/Tib1746.**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Каюмходжаев Абдурашит Абдусаламович</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Мадазимов Мадамин Муминович</b> доктор медицинских наук <b>Хакимов Мурод Шавкатович</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский педиатрический медицинский институт</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc. 04/30.12.2019.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №136). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Ф.Г. Назиров**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор,  
академик

**А.Х. Бабаджанов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**А.В. Девятов**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней  
доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения «в последнее время во всем мире отмечается прогрессивный рост рождаемости детей с врожденными пороками развития, в том числе и челюстно-лицевой области»<sup>1</sup>. Одной из сложных проблем в аспекте лечения и реабилитации больных являются дефекты и деформации ушной раковины (УР) врожденной и приобретенной этиологии. Отклонения варьируют от минимальных изменений, таких как оттопыренность уха, до тяжелой асимметрии лица с микроотией. По частоте возникновения приобретенные дефекты УР не уступают врожденным дефектам, а обращаемость пациентов по поводу травматических деформаций и дефектов УР составляет до 42% от общей частоты травм челюстно-лицевой области. Независимо от причин, повлекших утрату наружного уха, связанные с данной патологией социальная стигма и психологическое бремя негативно влияют на качество жизни пациентов. Зачастую «в подобных случаях последней возможностью больного на возвращение его к полноценной жизни в обществе является хирургическое лечение»<sup>2</sup>. Существует множество способов и оригинальных методик отоластики при врожденных и приобретенных дефектах ушных раковин, которые основываются на использовании различных материалов для каркаса и тактических аспектах по этапности реконструкции. Повышение требований пациентов к эстетической составляющей результата лечения, оперативная сложность имеющейся патологии, отсутствие единого принципа выбора способа пластики при многообразии отдельных оригинальных хирургических методик, а также необходимость разработки новых способов эффективного лечения дефектов УР свидетельствует об актуальности данного исследования.

В мировой практике в настоящее время наиболее перспективным направлением реконструктивной микрохирургии при дефектах УР продолжает оставаться разработка новых технологий создания аутоотрансплантата, аллотрансплантата или синтетического имплантата, в том числе с помощью систем CAD/CAM-technology (проектирование с использованием компьютерной технологии) с ориентацией на конкретные дефекты УР, в связи с чем частому обсуждению подвергаются их классификации для определения выбора кожного лоскута в зависимости от степени вовлеченности анатомических субъединиц УР. Особо актуальными являются вопросы устранения нарушений микроциркуляции мягких тканей околоушной области в зоне реконструкции УР, изучение гистологических и микроскопических особенностей использования аутологичных стволовых клеток и биоинженерных рассасывающихся материалов, которые как предполагается

---

<sup>1</sup> Ebrahimi A, Kazemi A, Rasouli HR, Kazemi M, Kalantar Motamedi MH. Reconstructive Surgery of Auricular Defects: An Overview. *Trauma Mon.* 2015;20(4):e28202. doi:10.5812/traumamon.28202

<sup>2</sup> Ghassemi A, Modabber A, Talebzadeh M, et al. Surgical management of auricular defect depending on the size, location, and tissue involved. *J Oral Maxillofac Surg.* 2013;71:232-242.

могут служить шаблонами для заживления хрящевого каркаса УР и упрощения процедуры реконструкции.

